

ХАЛҚ СЎЗИ




1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

26 апрель, чоршанба, 1995 йил
Сотувда эркин нархда. № 79 (1081)

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



СУРАТДА: қабул пайти.

25 апрель кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Буюк Британиянинг «Ротшильд Энд Санс ЛТД» банки раиси Сэр Эвелин де Ротшильднинг қабул қилди.

1798 йилда тузилган ушбу банк айна пайтда нафақат Буюк Британиядаги, балки жаҳондаги етакчи банклардан бири саналади. У жаҳон қимматбаҳо металллар бозори-

ида биз «Ротшильд Энд Санс ЛТД» ишончли ҳамкор эканига амин бўлдик, — деди жумладан Ўзбекистон раҳбари.

Сэр Эвелин де Ротшильд самимий қабул ва меҳмондўстлик учун миннатдорлик изҳор этиб, ўзи раҳбарлик қилаётган банк катта иқтисодий имкониятлар ва табиий бойликларга эга Ўзбекистон билан ҳамкорликни кенгайтириш тарафлари эканини таъкидлади.

Сўхбат чоғида шунингдек, ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Учрашувда Ўзбекистон Бош вазири ўринбосарлари Ҳ. Султонов, Б. Ҳамидов, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бошқаруви раиси Р. Азимов иштирок этди.

Шу кунини Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов Америка Қўшма Штатларининг Тожикистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Стэнли Эскудерони унинг илтимосига биноан қабул қилди.

Сўхбат чоғида Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, жумладан, Тожикистондаги вазиятни тинч музокаралар орқали ҳал этиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Қабул маросимида Ўзбекистон ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

Учрашувда Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Генри Ли Кларк ҳозир бўлди.

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ АСОСИ

Тошкентда 25 апрель кунини республика Адлия вазирлиги, техник ҳамкорлик бўйича Германия жамияти, Европа Иттифоқи комиссиясининг Европа эксперт хизмати, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг фалсафа ва ҳуқуқ институти, Тошкент Давлат юридик институти ташаббуси билан ташкил этилган «Бозор иқтисодиёти шароитида мулкчилик тўғрисидаги қонуларни такомиллаштириш» мавзудаги илмий-амалий конференция иш бошланди. Уни республика адлия вазири А. Мардиев очди.

Анжуманда республика Олий Мажлисининг Раиси Э. Халилов сўзга чиқиб, мамлакатимизда бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилган икки юздан зиёд қонун ва уларга асосланган ҳукумат қарорлари қабул қилинганини қайд этди. Лекин Ўзбекистонда яратилган бундай ҳуқуқий асос республиканинг иқтисодиётини ривожлантириш ва жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзосига айланиши учун барча ишлар қилини, деган маънони аналтирмайди, деди нотиқ. Ўзбекистоннинг янги парламенти олдидан жаҳоннинг энг илгор мамлакатлари тажрибасига таянган ҳолда қонуларимизни янада такомиллаштиришдек масъулиятли вазифа турибди. Шу йўлда бугунги илмий-амалий конференция сингари тадбирларнинг аҳамияти катта бўлиши шубҳасиз.

Сўнг республика Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси, профессор Ҳожиакбар Раҳмонқуловнинг «Ҳозирги шароитдаги мулкчилик ҳуқуқларининг эволюцияси» мавзудаги маърузаси, Россия, Қозғистон ва Қирғизистон Республикаларида мулкчилик тўғрисидаги қонунчилик кодексларини тузиш масалаларига бағишланган маърузалар тингланди.

Маърузалар юзасидан муҳокама бўлди.

Тадбирда республика Олий судининг раиси У. Мингбоев, республика бош прокурори Б. Мустафоев иштирок этди.

Илмий-амалий конференция 27 апрелга қалдар давом этади.

ЯНГИЛИКЛАР * ФАКТЛАР * ВОКЕЛАР

ЎЗБЕКИСТОН: ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ

«Халқ сўзи» ва УЭА мухбирлари хабар қилди

ШИФОКОРЛАР ТАЖРИБА АЛМАШДИ

Анджонда эгарроҳларнинг халқаро конференцияси бўлди.

Анжуманда жароҳатларни ҳамда жароҳат асоратларини даволашга оид 50 дан ортиқ маъруза на ахборот тингланди, илмий тадқиқот ишлари ва амалиётда тўпланган тажрибалар алмашилди. Кун тартибига қўйилган масалаларни муҳокама қилишда Ўзбекистон шифокорлари билан биргаликда Москва, Алматы, Санкт-Петербург, Душанбе, Бишкек, Қраснодар, Қарағанда шаҳарларидан келган таниқли олимлар иштирок этдилар.

УСТОЗ

Китоб туманидаги «Навбахор» жамоат-ширкат хўжалиги механизатори Нормурод Жўраев трактор рулин бошқарётганига йигирма етти йилдан ошди. Бу вақт ичидан у қўнлаб шогирдлар тайёрлади.

Суратда: Н. Жўраев.

СЎНМАС ХОТИРА

Яқинда Наманган шаҳрида жанговар ва меҳнат шон-шўхрати музейи очилади.

Уруш йилларида минглаб наманганликлар фронтга шу ердан жўнаб кетган эди. Музей экспозицияси уларнинг фашист босқинчиларига қарши жанглардаги иштироки, мамлакат ичкарисидан меҳнат қилган кишиларнинг ғалабага қўшган ҳиссаси ҳақида ҳикоя қилади. Музейга қўйилган материаллар шаҳардаги меҳнат жамоалари, талабалар, билим юртлари ва мактаблар ўқувчилари ёрдами билан тўпланган.

50 ЙИЛДАН КЕЙИНГИ ДИЙДОР

Бухородаги «Ситора моҳи хосса» санаторийида мамлакатимизнинг турли вилоятларидан, ҳамдўстлик давлатларидан беморлар келиб, шифо топишяпти.

Айни кунларда бу ерда 250 нафардан зиёд киши хорлиқ чиқариб, тажрибали тиббиёт ходимлари кўригидан ўтмоқда. Даволанаётганлар орасида 16 нафар иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ҳам бор. Яқинда бу ерда Ғалабанинг 50 йиллиги олдидан урушда иштирок этган ва айни пайтда муолажа олаётган фахрийлар билан учрашув бўлди. Душанбе шаҳридан даволанишга келган Полина Михайлова Тошкент вилояти Янгийўл туманида яшовчи қўнлаб кулолчи Эргаш Йўлбарисовни таниб қолди. Улар 50 йилдан ортиқроқ вақт мобайнида умуман кўришмаган эди.

ЁШ СОЗАНДАЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

Тўққиз яшар Гулнора Мирзахўжаева Германиянинг Гетинген шаҳрида бўлиб ўтган ёш табибларнинг Шопен номидаги халқаро танловига диплом билан тақдирланди.

Успенский номидаги республика махсус ўрта музыка мактабидан таълим олаётган Гулноранинг ижроси шу қадар ёрқин таассурот қолдирдики, танловда иштирок этган 52 ёш шаниночиладан фақат Гулноранинг ўзи ўқиб учун Нью-Йоркка таклиф қилинди.

КОРХОНА ҚўЛЛАБ ЮБОРДИ



Оқтош шаҳридаги ёг-ишлоқ заводи сўт тошпиратган фермер на деҳқон хўжаликларида омухта ем, ёқилга, дори-дармон харид қилиш ва биологлар таъмирлаш учун 262 миң сўм фонизс пул берди. 17 фермерга қайтиб одамлик шарти билан 156 миң сўм ажратди.

Суратда: ишчилар Х. Собиров, Х. Улуғовалар.

ТЕГИРМОНЛАР ТИКЛАНМОҚДА

Оҳангарон туманидаги Гўсвой қишлоғида ун тегиримони ишга тушди.

Кека тегиримони Ҳайтан ота Ёқубов яна отаме-рос касбини давом эттириб, ҳамқишлоқларининг кунига бир тоннагача донини ун қилиб бермоқда. Гўсвойда бир пайтлар ун иккита тегиримон бўлар эди. Айни кунларда улардан яна бирини тиклаш ишлари бошлаб юборилди.

ЯГОНА ИҚТИСОДИЙ МАКОН МУСТАҲҚАМПАНАВЕРСИН

Қозғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирлари кенгашининг 24 апрель кунини Бишкекда бўлиб ўтган мажлисида шу давлатлар ўртасида 2000 йилгача иқтисодий интеграция дастури кўриб чиқилди ва тегишли қарор қабул қилинди. Дастурни ишлаб чиқиш чоғида мажлисда иштирок этган давлатлар халқ хўжалиги мажмуини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ҳисобга олишган.

Уч мамлакат ўртасида ягона иқтисодий маконни барпо этиш тўғрисидаги шартномани рўйга чиқариш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Жумладан, фармацевтика саноати ва соғлиқни сақлаш, энгизиларни тадқиқ этиш ва сейсмик хавфини олдиндан фараз қилиш соҳаларида, бошқа соҳаларда ҳам ҳамкорлик қилишнинг аниқ тадбирлари ва қондалари ишлаб чиқилди. Қабул қилинган ҳужжатларни Қозғистон Республикаси Бош вазири А. Кажегелдин, Қирғизистон Республикаси Бош вазири А. Жумагулов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов имзолади.

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

Тошкент молия институтида «И. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг сиёсий-иқтисодий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари» асарини мамлакатимиз тараққиётидаги ўрни ва роли» мавзуда республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Унда олий ўқув юрталарининг профессор ва ўқитувчилари, шунингдек, хоржидан келган бир гуруҳ олимлар иштирок этдилар.

Конференцияда иқтисод фанлари доктори, профессор А. Улмасовнинг «Иқтисодий муносабатларни демократиялашнинг долзарб муаммолари», фалсафа фанлари доктори, профессор Н. Мамаатовнинг «Мамлакатда демократик, одил жамият қуришнинг назарий ва амалий масалалари», профессор М. Ориповнинг «Дин — маънавий юксалиш омили сифатида» мавзудаги маърузалари тингланди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Қ. Хоназаров, профессорлар Э. Каримов, Қ. Яқобов, Ф. Каримов, Ш. Носиров, Н. Обломуродов ва Ж. Абдухали-

қовлар эса Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтиш шароитида янги авлодни воёга етказиш борасида олий ўқув юртларининг олдидан турган вазифалар тўғрисида фикр алмашилди.

Анжуман қатнашчилари юртбошимиз Ислам Каримовнинг республика Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маърузаси мустақил давлатимизда бозор муносабатларини шакллантириш йўлида узоқ муддатга мўлжалланган, кенг қамровли дастуриламал ҳужжат эканлигини алоҳида таъкидладилар.

Т. БОЙМУРОДОВ,
Тошкент молия институтининг катта ўқитувчиси.

соҳаларда ҳам ҳамкорлик қилишнинг аниқ тадбирлари ва қондалари ишлаб чиқилди. Қабул қилинган ҳужжатларни Қозғистон Республикаси Бош вазири А. Кажегелдин, Қирғизистон Республикаси Бош вазири А. Жумагулов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов имзолади.

Биринчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси иккинчи сессияси олдидан ВАТАН — ЯГОНА, ДЕПУТАТ ЭСА УНИНГ МАСЪУЛ ФАРЗАНДИДИР

1. Сиз «профессионал парламент» тушунчасини қандай тасаввур қиласиз?
2. Сессия кун тартибидоги қайси масалаларни долзарб деб ҳисоблайсиз?
3. Олий Мажлис депутатларининг кўпроқ нимага эътибор беришини истардингиз?



ЎРОЛ НОСИРОВ, республика Мазнавият ва маърифат маркази Жизнас ваълият бўлимининг бошлиғи:

1. Шахсан мени «профессионал парламент»нинг норматив тушунчаси эмас, балки халқ ва давлат манфаатига йўналтирилган фаолиятининг мазмуни қизиқтиради. Чунки Президентимиз И. А. Каримовнинг «Ҳар бир давлат — бетақорор иқтисодий ҳодисадир. У ҳар қайси халқ тарихий ва маънавий тараққиётининг ҳосилдидир, унинг ўзига хос, ўзига мос маданияти ривожининг натижасидир», деган сўзларида жуда чуқур ва кенг мазмун бор. Бинобарин, Олий Мажлис ҳозирги ривожланиш босқичи ва истиқбол эҳтиёжлари-

ни ўзида юксак мужассамлаштирган қонун чиқарувчи Олий орган эканлигини амалда ибоботлаштириш аминман.

2. Албатта, ҳар қандай ишнинг йўналиши ва натижаси оқилона ўйланган, келажакни кўзлаб амалга оширилган ташкилий жараёнга жуда

боғлиқ. Бу борада Олий Мажлис биринчи сессиясида ноқ умулдават ва умумхалқ аҳамиятига молик долзарб масалалардан иш бошлаган эди. Қолаверса, Олий Мажлис сессияси анчайин тадбирларни бажариш учун қақриқилмайди ҳам. Моҳиятан иккинчи сессия кун тартибига қўйилган масалаларнинг барчаси муҳим ташкилий жараёни бажаришга қаратилганлиги билан долзарбдир.

3. Халқнинг ишончини қозониш осон эмаслигини ҳар бир депутат сайлов чоғи бошдан кеңирди. Энди халқ ва Ватан ишончини оқлаш зиммасида турибди. Ватан-қўн ягона, депутат эса, ана шу Ватаннинг масъул фарзанди. Демак, Олий Мажлис депутати бугунги ҳаёт зарби ва келажак манфатини ақил-расолик, мақсадлар муштараклиги билан тушуинган ҳолда иш юритади, деган умиддаман.

ТАДБИРКОРЛАР ТАНЛОВИ

Ўзбекистон Республикаси кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашувчи жамғарма шу йилнинг 15-16 май кунлари махсус ярмарка ва очиқ биржа савдоси доирасида танлов ўтказди.

Ушбу танловнинг мақсади Президентимизнинг «Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва рағбатлантириш» тўғрисидаги Фармонида ҳаётга тадбиқ этиш, тадбиркорларнинг техника, хом ашё ва ахборотга бўлган эҳтиёжларини таъминлашдан иборат. Сир эмаски, ҳозирги вақтда тадбиркорлар ўз махсулотларини сотишда анча қийналиб қолишяпти. Бу ярмарка ана шу муаммони ҳал қилишга ёрдам беради.

Танловда жаҳон андозаларига мос келадиган янги технологияни қўллаб, рақобатбоп махсулотлар ишлаб чиқараётган кичик ва ўрта корхоналар ҳамда фермер хўжалиқларининг эгалари, шунингдек, очиқ улгуржи савдода махсулот ишлаб чиқарувчиларни маҳаллий хом ашё ва материаллар билан таъминлайдиган аниқ тижорат таклифлари бўлган тадбиркорлар қатнашишлари мумкин.

Танлов ғолибларига республика товар хом ашё биржаси томонидан бепул битта брокерлик жойи ва биржанинг доимий ярмаркасида бепул битта ўрин ҳамда махсус совринлар берилади.

Фурқат САНАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ПИЛЛАНИ ҚАЙТА ИШЛАБ СОТАДИГАН БУЛИШДИ

Элликқалъа туманидаги «Дўстлик» жамоат хўжалиғида пиллани қайта ишлаб чиқиш ишга туширилди. Хозирча республикада ягона бўлган мақкур чехда йилгача ўттиз тоннагача яқин пилла қайта ишланиб, ярим тайёр махсулот ҳолига келтирилади.

Ҳайитбой АБДУСОДИҚ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЛЮТА БИРЖАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида 1995 йил 25 апрель кунини бўлиб ўтган савдода Ўзбекистон Республикасининг хоржий валюталарда операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган ун учта банкни иштирок этди.

Сотув ҳажми 13,5 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати — 26,20 сўм даражасида қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1995 йил 26 апрелдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хоржий валюталарнинг сўмага нисбатан қуйидаги қийматини белгилади. *)

1 Австралия доллари	19,09	1 Эстония кронаси	2,40
1 Австрия шиллинги	2,72	1000 Украина карбованеци	0,20
1 Англия фунт стерлинги	42,00	1 Латвия лати	51,88
10 Бельгия франки	9,24	1 Литва лити	6,55
1 Голландия гульдени	16,99	1 Козғистон тенгеси	0,42
1 Греция драхми	1,17	1 Молдова лейи	5,80
		1000 Беларусь рубли	2,28

Марказий банк 1995 йил 26 апрелдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси махсус пул алмаштириш пунктларида фойдаланиш учун нақд АҚШ долларининг қуйидаги тижорат қийматини белгилади:

- Сотиб олиш қиймати: 1 АҚШ доллари — 26,20 сўм.
- Сотиб қиймати: 1 АҚШ доллари — 26,20 сўм.

Хоржий валютани сотиш чоғида сўм билан восита ҳақи олинади.

*) — Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мақкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

1 Дания кронаси	4,84	1 Норвегия кронаси	4,23
1 АҚШ доллари	26,20	10 Португалия эскудоси	1,80
1 Миср фунти	7,72	1 Сингапур доллари	18,80
1 Ирландия фунти	42,62	1000 Туркия лираси	0,62
1 Исландия кронаси	0,42	1 Финляндия маркаси	6,12
10 Испания песети	2,12	4 Франция франки	5,39
100 Италия лираси	1,54	1 Швеция кронаси	3,52
1 Канада доллари	19,21	1 Швейцария франки	18,57
1 Кувейт динори	90,00	1 ЭКЮ	34,82
100 Ливан фунти	1,61	10 Япония иенаси	3,15
1 Германия маркаси	19,04	1000 Россия рубли	5,19

ЯНГИЛИКЛАР * ФАКТЛАР * ВОКЕЛАР

Долзарб мавзу

— Ҳар қандай жамиятда давлат сиёсати инсонпарварлик атамини мезон билан ўлчайди. Элартир манфати бош масала бўлмаган мамлакатда яқинлик, ҳамжihatлик ҳам бўлмайди. Халқчил сиёсатини фуқароларнинг, айниқса, ногиронларнинг ҳурлинига йўл қўймайди. Буюк бир давлат пойдевори қуриладиган бугунги тарихий даврада ижтимоий масала жуда муҳим, албатта. Давлатимизнинг қарнилар, ногиронлар, кам таъминланган оилалар ҳақида ҳамхўрлик қилиб келадиган халқимизни руҳлантиришмоқда.

— Янги жамиятга ўтиш ҳеч бир давлатда осонликча кечмайди. Бу жараёнда иқтисодий сиёсий тузилмани шартли равишда табиий табиий ҳодисалардир. Мустақилликка эришганимиздан буён Президентимиз ва ҳукуматимиз раҳбарлари олиб бориладиган сиёсатнинг марказида ижтимоий масала тургани кувонарди ҳол. Эътибор беринг, қишлоқларни тоза ичимлик суви, табиий газ билан таъминлашга жадал киритилди. Нега? Чунки қанчалар қанча хасталикларнинг келиб чиқиши биргина ичимлик суви сифатида боғлиқ. Ёки ногиронлар, кескаларга қўрсатиладиган ижтимоий ердани олиб.

Халқимизда савоб деган тусунча борки, унинг заминиде улкан маъно эди. Савобталлик, ҳеч қандай мурувватли бўлиш, қадимдан олий ҳислатлар саналиб келинган. Давлатимиз олиб бораётган сиёсат ота-болаларимиздан қолган мурувват, саховатпешаликка ҳамоҳандир. Шу боле ҳам давлатимиз раҳбарларининг фаолиятини халқимиз яқинлик билан қўллаб-қувватламоқда. Кенг халқро куйлашда эса биз танлаган йўл ижобий баҳоланаётган.

— Баҳодир Ҳамидович, ҳар қандай мамлакат аҳолисининг маълум қисмини ногиронлар ташкил этади. Уларга бир давлат кўпроқ, иккинчиси ороққоғамхўрлик қилади. Бизнинг мамлакатимизда қанча ногирон бор? Уларнинг турши-турмуши, ижтимоий аҳоли қандай?

— Мамлакатимизда ногиронлар 342 минг нафар бўлиб, улар аҳолининг 2,4 фоизини ташкил этади.

— Бу кўрсаткич дунё миқёсида қандай?

— Ер юзюда 510 минг нафар майиб-мажруҳ бор. Бу жаҳон халқларининг салкам 7,5 фоизи дегани. Бизнинг давлатимизда ногиронларга катта ҳамхўрлик қилинади. Уларнинг ҳар бирига бир ойда нафақа ва бошқа имтиёзлар билан бирга ўртача 850 сўм, бир йилга эса 10 720 сўм

миқдорда ёрдам бериб келинаётган. Яъни давлатимиз йилига ўрта ҳисобда 542 минг нафар ногиронга 552,8 миллион сўм маблағ ажратмоқда.

— Мамлакатимизда ногиронлар ярим миллиондан ортиқ, дегингиз. Худого шукур, ҳозир тиричлик замони. Лекин назаримда уларнинг миқдори кўпаяди. Умуман, ногиронликнинг омиллари қандай?

— Маълумки, иккинчи жаҳон урушида Ўзбекистон фарзандлари фашизмга қарши матонат билан курашди. Жанитқоғлардан эсон-омон қайтган ватандошларимизнинг аксарияти жараҳатланганлар. Бугунги кунда улар 59552 нафарни ташкил этади. Қолганлар турли сабаблар: экология, яшаш тарзи, меҳнат жараёни, техника тарқиёт, ижтимоий шартнон ва ҳоказолар туфайли ногирон бўлиб қолишган. Ёшлар кўринг, бундан 10-15 йил муқаддам далаларда бутефос каби «захри қотиллар» беҳисоб сочилишган эди. Унинг асорати йўқ дейсизми? Мавжуд ногиронларнинг кўпи қишлоқларда истиқомат қилади. Улар турли йўллар билан касалликка чалинганлар.

— Баҳодир Ҳамидович, касалликни даволанган кўра унинг олдини олган маъмул, дейдилар. Ногиронлик бу оғир хасталик демакдир. Келгусида майиб-мажруҳлар сони янада кўпаймаслиги учун барча ишчи ҳукумат раҳбарлари зиммасига юклар қўймасдан, кенг жамоатчилик, меҳнат аҳли, корхона ва муассаса раҳбарлари ҳам ўзларида маълум даражада маъсулият сезишлари керак...

— Албатта, аввало ҳар бир инсон ўз саломатлиги учун қайғуриши шарт. Қолаверса, ҳаммамиз маъзур масалада қайсида жиннатдан маъсулимиз. Одамларнинг соғлом турмуш тарзини таъминлаш лозим. Чекиш, янчи каби иллатлардан қўтилиш учун ҳамма бирдек жонлилик кўрсатиши тақозо этилади. Меҳнатқиларнинг иш шартнонлари талаб даражасида бўлиши ногиронликнинг олдини олишда муҳим омилдир. Масалан, бир заводда қанча одам ишлайди? Улардан неча нафари

аё? Ишчиларнинг қанчаси қанча касаллик билан оғриган?



Баҳодир Ҳамидович

раёнда ишчи кучини меъризи ишлатиш оқибатида ногиронлар кўпайиши мумкин. Бунга йўл қўймайлик учун ўқорюда таъкидланган ташкилотлар ҳамда ҳуқуқ тартибот органлари билан ҳамкорликда кўп иш қилиши мумкин. «Қанча муаммоларнинг бор», деб айтишни ҳам ўрганиши лозим.

— Раҳбарлар ҳақида сўз кетар экан, баъзан уларнинг айби

гани ҳар бир маъсул шахс теран аниқлаб, унда жаобдорлик сезган ҳолда ишлаши лозим. Ҳозир «Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш» ва «Пенсия тўғрисида»ги инсонпарвар қонунлар ҳам ногиронларнинг ҳақ-ҳуқуқларини қонун йўли билан ҳимоя қилади.

— Ногиронларни имкониятга қараб иш билан таъминлаш ҳам менимча, жуда муҳим. Агар улар маълум бир фойдали меҳнат билан машғул бўлса ўзлари ва давлатга фойдаси тегади. Бекорчилик айримларни тушқунликка

кентда ногиронлар учун корхоналар қўроққимиз ва бунга ҳукуматимиз томонидан 240 минг доллар маблағ ажратилди. Бу эъзу ишларимизнинг дастлабки босқичи, албатта. Ҳали олдинда жуда кўп муаммолар мавжудлигини инкор этмайман. Ногиронлар қисматига фақат Ижтимоий таъминот вазирлиги эмас, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат вазирликлари, республика касабаси уюшмалари ҳам биргаликда жонлилик кўрсатишса, бу борадаги муаммолар ўзининг ижобий ечимини топади.

— Айримларнинг маъсуе аравадалик, ясама оёқсиз кўл, ҳатто оддий ҳасса масаласида овора бўлиб юрган ҳолатлари тез-тез учрайди...

— Бу борада узилишлар бўлганлиги рости. Бир йилда ногиронларга 45 минг дон, шу жумладан 12 минг дон болалар аравачаси керак. Биз ўтган йили 850 та аравача олдик, ҳоло. 150 минг донга ҳассага эҳтиёж бўлаётган, бизнинг заводимиз 38 мингта ҳасса ишлаб чиқариш қувватига эга. 1994 йилда эса атиги 4 минг донга ҳасса тайёрланди. Илгари протез ясаида ишлатилган 99 фоиз хомашё Россиядан олиб келинарди. Шартнонларнинг бажарилмаслиги оқибатида, ишимиз тўхтаб қолган. Эндликда олимларимиз ўзинида мавжуд бўлган хомашёлардан дунё талабларидан ҳам ортиқ, ҳатто Германия, Голландияда тайёрланаётганидан кўра сифатли, энгил протезлар яратишчилик, насиб бўлса, маи ойида заводимиз илк бор шу маъсулотни бера бошлайди.

Германиянинг «Майра» фирмаси билан ногиронлар аравачаси ишлаб чиқаришга кўмак қилишга ишчи тушиш аравачасида ишлаб чиқариш. Шунингдек, бир йилда беш минг донга протез ишлаб чиқаришга қараб қўрилган Германиянинг «Интермед» фирмаси билан ҳамкорликда курашимиз. Ҳасасалар масаласига келсак, йилига 100 минг донга ҳасса ишлаб чиқаришга кичик корхонамизнинг ишчи ҳозирдан қўрилган кетган.

Шундай бўлса-да, ногиронларни иш ўринлари, эҳтиёж буюмлари билан таъминлашда ҳали кўп иш қилиниши керак. Юқорида таъкидланганимдек, вазирлигимиз бу масалада маъсуе дастур ишлаб чиқди. Президентимиз ва ҳукуматимиз раҳбарлари ҳайрхоҳлиқда ишларимиз яқин келажикда ўз самарасини бера бошлайди.

— Эъзу ишларининг ривож таъминоти, маълумли суғабатини учун ташаккур.

Сўзбашлов: «Халқ сўзи» мухбири Тоҳир ДОЛИБЕВ.

ИНСОНПАРВАРЛИК МЕЗОНИ

Ўзбекистонда ногиронларга йилига ўрта ҳисобда қарийб 553 миллион сўм маблағ ажратилапти

Республика ижтимоий таъминот вазири Баҳодир Умурақов билан мулоқот.

нат билан курашди. Жанитқоғлардан эсон-омон қайтган ватандошларимизнинг аксарияти жараҳатланганлар. Бугунги кунда улар 59552 нафарни ташкил этади. Қолганлар турли сабаблар: экология, яшаш тарзи, меҳнат жараёни, техника тарқиёт, ижтимоий шартнон ва ҳоказолар туфайли ногирон бўлиб қолишган. Ёшлар кўринг, бундан 10-15 йил муқаддам далаларда бутефос каби «захри қотиллар» беҳисоб сочилишган эди. Унинг асорати йўқ дейсизми? Мавжуд ногиронларнинг кўпи қишлоқларда истиқомат қилади. Улар турли йўллар билан касалликка чалинганлар.

Булари раҳбар билмайди, лекин у ишлаб чиқариш ҳақидаги рақамларни жуда яқин билади. Иккинчидан, яшаш шартнон, табиий муҳит масаласини олайлик. Давлатимиз раҳбариятининг жиддий эътибори боис, барча ҳудудларда тоза ичимлик суви муаммоси ҳал бўлмоқда. Аммо айрим шаҳарларда масалан, Тошкент, Самарқанд, Навоий, Чирчиқ, Оқангорида ҳавонинг ёлғосланishi ҳамон юқори даражада. Оқибатда маъзур шаҳарларда аҳолининг касаллигини ҳам бошқа жойларда нибатан кўп.

Учинчидан, меҳнатқиларнинг иш шартнонни янада яқинлаштириш керак. Барча корхона ва муассасада ҳар бир меҳнатқиларнинг паспортини мавжуд, унда иш жойининг техникаси, табиий ҳолати, санитария-гигиена талаблари кўрсатишган. Бирок корхонага кириб сўраб кўрингчи, раҳбарлар меҳнатқиларнинг паспортини ҳақида нима дейишар экан. Айрим муассасаларда буни «иш ўринлари» деб уйлашади. Ваҳоланки, «иш ўрни» билан «иш жойи» паспортини муқаддим бошқа-бошқа нарсалар. Маъзур масала билан меҳнатқиларнинг инспекцияси шуғулланади. Бу ташкилотнинг вилотларда 14 та, туман ва шаҳарларда 218 та шоҳобчаси фаолият кўрсатади. Уларнинг ҳар бирида 3 талдан ходим бор. Афсуски, бу ташкилотлар ишининг таъсирчанлиги паст. Қолаверса, касабаси уюшмалари, меҳнат ҳавфсизлиги муассасалари ҳам ишчи-хизматқиларнинг манфати ҳақида кўпроқ қайғуриши керак.

Учинчидан, меҳнатқиларнинг иш шартнонни янада яқинлаштириш керак. Барча корхона ва муассасада ҳар бир меҳнатқиларнинг паспортини мавжуд, унда иш жойининг техникаси, табиий ҳолати, санитария-гигиена талаблари кўрсатишган. Бирок корхонага кириб сўраб кўрингчи, раҳбарлар меҳнатқиларнинг паспортини ҳақида нима дейишар экан. Айрим муассасаларда буни «иш ўринлари» деб уйлашади. Ваҳоланки, «иш ўрни» билан «иш жойи» паспортини муқаддим бошқа-бошқа нарсалар. Маъзур масала билан меҳнатқиларнинг инспекцияси шуғулланади. Бу ташкилотнинг вилотларда 14 та, туман ва шаҳарларда 218 та шоҳобчаси фаолият кўрсатади. Уларнинг ҳар бирида 3 талдан ходим бор. Афсуски, бу ташкилотлар ишининг таъсирчанлиги паст. Қолаверса, касабаси уюшмалари, меҳнат ҳавфсизлиги муассасалари ҳам ишчи-хизматқиларнинг манфати ҳақида кўпроқ қайғуриши керак.

Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган 5 асосий таъминотнинг бири кучли ижтимоий сиёсат таъминоти эканлиги

Бирок корхонада иш ўринлари қисқарса, дастлаб касалланди ходимни ишдан бўшатилди. Ёки ногирон одамнинг соғлом кишига нибатан ишга жойлаштириш мумкин. Чунки раҳбарлар соғлом хизматчи керак. Биз ўтган йили ҳуқуқ тартибот органлари билан ҳамкорликда айнан шу масалага бағишлаб маъсуе кенгаш ўтказдик. Маъзур муаммо билан Ижтимоий таъминот, Меҳнат вазирликлари, прокуратура органлари, Касабаси уюшмалари федерацияси, ҳуллас ҳаммамиз ҳамкорликда ишчи-хизматқиларнинг ҳуқуқ таъминоти.

Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган 5 асосий таъминотнинг бири кучли ижтимоий сиёсат таъминоти эканлиги

Бирок корхонада иш ўринлари қисқарса, дастлаб касалланди ходимни ишдан бўшатилди. Ёки ногирон одамнинг соғлом кишига нибатан ишга жойлаштириш мумкин. Чунки раҳбарлар соғлом хизматчи керак. Биз ўтган йили ҳуқуқ тартибот органлари билан ҳамкорликда айнан шу масалага бағишлаб маъсуе кенгаш ўтказдик. Маъзур муаммо билан Ижтимоий таъминот, Меҳнат вазирликлари, прокуратура органлари, Касабаси уюшмалари федерацияси, ҳуллас ҳаммамиз ҳамкорликда ишчи-хизматқиларнинг ҳуқуқ таъминоти.

Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган 5 асосий таъминотнинг бири кучли ижтимоий сиёсат таъминоти эканлиги



Висол

Хотира — очерк

Бундан бир неча йил олдин Сирдарё вилоти ўрмон хўжалик бошқармасида ишлайдиган Эшонкул Одилов деган йигит билан танишиб қолгандик. Бир кун у бизга илтифот ила: «Қишлоқдан отам келгандиклар, бизникида меҳмон бўлинглар», деб қолди.

Уша оқшом Шодмонкул ота билан бомбодгача дардлашдик. У, айниқса, урушда кўрган-кечирганларини, ўша муҳиш йилларда онаси чекан азоб-қувбатларни гоҳ тўқинлашиб, гоҳ кўзалари ёшланиб сўзлаб берган эди. Ҳатто таъсирли воқеа-ҳодисалар, шубҳасиз, хотирамизда сақланиб қолди.

Орадан кўп ўтмай Шодмонкул ота бандилигини бажо келтирди. Буюк Ғалабанинг 50 йиллиги арафасида биз Одилов уша оқшом жўяқ қилиб берган воқеалар яна хотирамизда жонлангандек бўлди.

Шимолий Кавказда ҳаётимот жанги борарди. Сержант Шодмонкул Одилов жанг қилаётган ўқи полкка жанговар топишриқ берилади: дарёни кечиб ўтиб нариги қирғоқдаги душман позициясини ишғол қилиш керак! Кечув тонг ёришмасдан бошланди. Олдин сузишни биладиган, уздабуруй йигитлардан бир неча киши ўрди. Уларнинг бири қисми сим тортиб бошқалар учун тахтадан вақтинчалик кўприк ташкил қилаётган пайтда душман сезиб қолди. Немис снарядлари кўприк томон ёғила бошладди. Ҳаммасидан ҳам нариги қирғоққа ўтиб, ҳимоя позициясини эгаллаган пулемётчиларимизга қийин бўлди. Улар нари борса бир соатга чидашлари мумкин. Кечув снаряд парчалари ва ўқ ёмири остида давом этарди.

Сержант Одиловнинг етти кишилик бўлинимаси дарё ўртасида етганда, снаряд парчаси тегиб сими узилди. Тахталар оқиб кетди. Йигитлар узилган йўриқ, мустаҳкам сима қирмашиб олишди. Буйига жисмоний кўп паян бермади. Улар холдан тобиғи нариги қирғоққа ўтиб олишди. Эгалланган позицияни қўлдан бермаслиги учун жонжаҳдлари билан курашаётган сафдошлари бир неча дақиқада нафасини ростлаб олишлари

Уни ҳаракатдаги санитария батальониде қаёққадир олиб кетишди. Бир неча кундан кейин у Тбилисидеги ҳарбий госпиталда ётганлигини билди. Бу ерда қарий олти ой даволанишга тўри келди.

...Бу сафар ҳам бирталай хонандона қора хат келди. Почтачи уларни тарқатишдан олдин одатдагидек Баландқачир кишлоқ кенгашининг раиси Хожимурод Турдимуродовга учрашди.

— Нима қиламиз, Мухаррам опага иккинчи марта қора хат келиши,— маслаҳат солди почтачи.

— Менга бер, уёғи билан ишинг бўлмасин!— деди кишлоқ кенгашининг раиси.

— Беролмайман Хожимурод ака,— шартта кесди почтачи,— биринчи, хатни ҳам сиз олиб қўйган эдингиз, бундақада менга гап тегиб қолди. Яхасини, уч-тўрт қарияни тўплаб, бориб айтганимиз маъмул.

— Фаросатингга балли!— деди зарда билан Турдимуродов.— Нахотки, Мухаррам ўлини кутиб ўзини овутиб юрганини билмасан. Агар эшитса ёлғиз фарзанди доғида қўйиб адоий тамом бўлади, бечора.

— Барибир қачон бўлмасин айтишимиз керак-ку?!

— Балки тиркирдир,— иккинчиде кишлоқ оқсоқоли.— Қайдам...

— Кутамиз, уруш тугагунча кутамиз, агар оғзиндан гуллаб қўйсанг, мендан ўпкалама. Мухаррам опа Шодмонкулдан хат келмаётганлигини даволатида эди. Қўнгли гап бўлса-да, одамларга сездиришмаслиқка ҳаракат қилар, ўзини меҳнат билан овутиб юрарди.

...Қишинг аёлини қиллари. Қўшинларимиз душман тупроғида фашистларга аёвсиз зарба берарди. Олдинги маррада жанг қилаётган ўқи батальонлардан бири узок давом этган отишмалар сўнг тилчиларнинг чекинишга мажбур этиб, бир неча блиндажни эгаллади. Катта сержант Шодмонкул Одиловнинг бўлинимаси ишғол қилган блиндажга қўқисдан чекинаётган немислар кириб қолди. Ичкарида қўл жанг бошланди. Қулар тент эмасди. Шодмонкул бошқа бўлилардаги қуролдошларини ёрдамга чақиритиш учун ташқарига отилиб чиқарганида ичкаридан отилган ўқ чап биланини тешиб ўтди.

Иккинчи ўқ ўнг елкасига теғди. Бирок у оғриқни сезмай, мувозаанатини йўқотмай, олға интилди. Ўқ овозини эшитган жангчиларимиз дарҳол ертўлани кўраб олишди. Тирик қолган фашистлар асир олинди. Афсуски, бўлиманнинг уч нафар жангчиси ҳалок бўлди.

Катта сержантни санбатта олиб кетишди. У уч ойни ҳарбий госпиталда ўтказди. Сўнг-ра галаба дамлари яқинлашган кезларда хал қилувчи ҳужумларда қатнашди.

...1945 йилнинг кеч қузи. Баландқачирликлар бугунги тегиримонга элтиб, келида маккадан ёрма тайёрлаб киш гамини ёйишгаётган пайт. Мухаррам опа мошокнинг ўзидан икки қоп териб олди. От-ўлови бўлмасида, эл қатори сомон ташиди. Яхасиният билан уйининг шипига анор, зуом соми, қотган нон олиб қўйди. Ишдан бўшади дегунча, ўғли илжинида йўлга термулади. Оқ, Ховоснинг поёвсиз кир-адирлари, нахотки онаизорнинг изтиробирига шерик бўлиб, унинг мушқулани осон, қисматини энгил қилишнинг улдасидан қилмасангиз! Йўқ, улдасидан чиқасиз — бунинг учун Шодмонкулнинг йўлини қисқа, манзилини яқин қилсангиз бас!

Уша қуни Мухаррам опа ташқаридеги ўчоқ бошида қўйиб юрганди. Кўчада ўйнаётган болаларга улашман деб ўзёма пишираётганди. Ховлига ёлғиз ўзи кирган ҳарбий гимнастёркада новча йигитга қўзи тушганда тахта бўлиб қотиб қолди. У э-ҳушини йўқотиб қўйганди. Киприкларида эса бир томчи ҳам ёш йўқ.

— Ана, мөн келдим,— Шодмонкул онасини қўчиб, сўнгра аста сулпачага ўтказди.

Мухаррам опа ҳамон тилсиз эди. Бир зумда қўни-қўшинлар ховлини тўлдирди. Аввал йиги-сиги бўлди, кейин қол-ахвол сўрашчи, сунончи талашини бошланди. Бир пайт Мухаррам опа ўғлининг пешонасини сиблаб, юзига термулиб:

— Шодмонкулмисан?— деди.— Ҳа, менман, апа, урушини тугатиб келдим.

— Бўйларингдан ўрлашди! Шукур, худого минг қатла шукур...

Онаизорнинг кўзларида ёш қалқиди. Бу висол оналаридеги севини ёшлари эди.

Эсирган БОЛИЕВ, Иброҳим НОРМАТОВ.



Янгиўл шахридаги ёғ-мой қомбати ҳиссодорлик жамиятига айлантириладиган сўнг маъсулот турлари ва ишлаб чиқариш сезиларли даражада кўпайди, ишчилар манфатдорлиги ошди. Бу эса меҳнатга бўлган муносабатнинг кескин ўзаришига олиб келди. Қомбатнинг бир неча ҳақларида қайта таъмирлаш ишларининг амалга оширилиши таъминотида совун тайёрлаш ойига 1300 тоннагача, ёғ ишлаб чиқариши 2056 тоннага етказилди.

СУРАТЛАРДА: корхона акциялари сотувда; ишчи У. Мухамдинова дастгоҳ ёнида.

Ф. ҚУРБОНОВЕВ олган суратлар.

ТАДБИРКОРЛАР ХИЁБОНИ

Мозийнинг шаҳодат беришича, ҳозирги Фарғона дарвозаси бунёд этилган жойида Марғилоннинг Ермозор дарвозаси бўлиб, унинг атрофида ҳўрманолар, тадбиркорлар, заргарлар, чилангарлар дўконлари қад ростлаган, бу гўша гавожум жой сифатида доврғ таратган экан.

Фарғоналиклар ана шу тарихий масканини тиклашга астойдил киш боғланди. «Мустақиллик» дарвозасидан Ермозор қишлоғигача, катта йўлнинг икки томони бўйлаб «Тадбиркорлар хиёбони» барпо этиш ҳақида келишиб олдинди. Бу тадбирга республика Давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси оқ йўл тилган эди.

Яқинда бўлажак хиёбоннинг қурилиши пойдеворида дастлабки гишт қўйилди. Вилоят ҳокими Мирзажон Исломов шу тантана муносабати билан ўтказилган йиғилишда сўзга чиқиб, бу хайрли тадбир республикамиз мустақиллигининг 4 йиллигига муносив соғва бўлишини таъкидлади. Пойдевор остига эса келажак авлодларга мурожаатнома битилган мрамортош қўйилди.

Ушбу хиёбон сатҳи 11 гектар майдонни ташкил этади. Шаҳар меъморчилик бўлими тасдиқлаган лойиҳага биноан, бу ерда тадбиркорларнинг маъмурий биноси, корхоналар, сарва дўконлари, пештахталар, маъшиий хизмат кўрсатиш муассасалари, турар жойлар қурилади. Корхоналар ва савло шаҳобчаларида эса 4 мингдан ортиқ киши меҳнат қилади.

Набижон СОВИР, «Халқ сўзи» мухбири.



УЮШМА КўМАКЛАШИШ НИЯТИДА

Жаҳон банки таркибидеги Тараққиёт халқаро уюшмаси Грузия республикасига 75 миллион доллар миқдориде фойсиз қарз бериш нииятида.

Бу маблағни республикада амалга ошириладиган ислохотларни қўллаб-қувватлаш, макроиқтисодийни барқарорлаштириш, ишлаб чиқаришни қайта тиклаш ҳамда аҳолининг турмуш даражасини яқинлашга сарф этиш кўзда тутилмоқда.

ҚОЧОҚЛАР РЎЙХАТДАН УТИШДАН БОШ ТОРТАЯПТИ

БМТнинг Россия Федерациясидеги ваколатхонасининг хабар беришича, ҳар кун Чеченистондан икки миңга яқин қочоқ қўшни Доғистондан бошпана излашга мажбур бўлмоқда.

БМТнинг қочоқлар иши билан шуғулланувчи комиссиясининг маълумотида кўра, шу пайтгача Доғистонда 80 миңдан зиёд Чеченистон фуқароси рўйхатда олинган. Бундан ташқари 30 миңга яқин киши рўйхатдан ўтишдан бош торган.

МУҚОБИЛНИ ТОПИШАРМИКИН?

Эрон Ислол Республикаси парламентида форс тилида қўллаб-қувватлаш хорижий сўз ва атамаларини таъқиқлаш тўғрисида қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Парламент мажлисида иштирок этган Эрон Вице-президенти Ири Ҳасан Ҳабибийнинг эътирофи эйтишча, тил ҳақидаги маъзур қонун тасдиқланса, бегона сўзлар ўрнига форсча муқобил сўзларни топиш анча мушқул кечеди.

ҚУМ ИЖРО ЭТИПДИ

«Чайна дейли» газетасининг Ёшишча, Жанубий Хитойнинг Гуанчжоу шахрида 11 нафар жинойтчи қатл этилди.

Бундан бир қанча муддат илгари суд қўллаб қотиллик ва қуроли босқинчилик содир этган жинойтчиларга нисбатан энг олий жазони қўллашга қарор қилган эди.

УЧ МИЛЛИОНЧИСИ — СОВРИНГА

Нижний Новгород шахридаги Горкий автомобил заводида (сав) ишлаб чиқариладиган энгил автомобиллар сони уч миллион донага етди.

63 йилдан буён фаолият кўрсатаётган завод ўз тарихида «Эмка», «Чайка», «Победа», «Зим», «Волга» сингари 18

